• Бугуннинг гапи

**Ислоҳотлар йўлидан дадил бораётган мамлакатимиз ҳаётида алоҳида ўрин тутган, қувончу ташвишлар тўла яна бир йил ортда қолди. Янги режаларга тўла, олдимизда турган устувор вазифаларни янада изчилроқ амалга оширишни тақозо қилувчи 1996 йилга очиқ юз билан қадам қўйдик.**

# ЯНА БИР ЙИЛ ОРТДА ҚОЛДИ

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясида давлат ва жамият қурилишининг, ҳаётимизнинг барча соҳаларини ислоҳ этишнинг ўзига хос, ўзига мос дастури ишлаб чиқилганлиги ва фаолият марказида жамиятнинг ҳақиқий бойлиги, инсон туриши кераклиги ҳақида юракдан айтган сўзлари халқимиз орасида ҳурмат ва мамнуният билан эътироф этилаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Жамиятимизнинг сиёсатдаги яна бир катта ютуғи шундаки, ижтимоий уйғунлашиш кучайди, фуқаролар ва миллатлараро тотувлик, тинчлик барқарорлашди. Ўзаро ҳурмат, бағри кенглик, дўстлик ҳаётий эҳтиёж эканлигини халқимиз тобора равшан ҳис этмоқда.

Жамиятда адолат тамойилларини тиклаш борасида қилинаётган ишлар, жиноятчиликка, порахўрликка, таъмагирликка, зўравонликка муросасизлик халқимиз томонидан дадил қўллаб-қувватланмоқда. Чунки самарали меҳнат қилиш учун, энг аввало, хотиржам яшаш керак. Халқимиз буни яхши тушунади.

Биз Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида таҳсил олмоқдамиз. Мўлкўлчиликни, ишдан қайтаётган ёки бола-чақаси билан сайр қилиб юрган хотиржам инсонларни кўриб, баҳри дилинг очилади. Аминманки, Ўзбекистоннинг ҳамма бурчагида шундай осойишталик ва тўкин-сочинлик, файз-барака мавжуд. Мустақилликка эришилгандан буён ўтган қисқа муддатда иқтисодиёт тизими тубдан ўзгартирилди, эркин бозор, товарлар, сармоялар ва хизмат кўрсатиш соҳаси фаолияти учун катта шароитлар яратилди. Бугунги кунда қишлоқларда ҳаммомлар, сартарошхоналар қуриш, банк, суғурта тизимлари бўлимлари ва агросервис нуқталари ташкил этиш, хуллас, бозор инфраструктурасини яратиш энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолди.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритиб, ўз олдига иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш, бозор муносабатларига асосланган янги жамият барпо этишдек буюк мақсадни вазифа қилиб олган кундан бошлаб юртбошимиз ўртага ташлаган «Барча ислоҳотларнинг — иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларни вужудга келтиришдан иборат» деган ғоя ҳозирги кунда ҳам асосий ва долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Бозор муносабатларига ўтишнинг илк давриданоқ давлат ва ҳукумат бутун аҳолини ижтимоий ҳимоялаш йўлидан борди. Кўрилган зарур чора-тадбирлар одамларнинг турмуш даражаси пасайиб кетишининг олдини олишда муҳим роль ўйнади.

Мамлакатимиз келажаги ҳисобланмиш болалар ва кам даромадли оилалар ижтимоий ҳимоядан баҳрама бўлмоқдалар. Сўнгги вақтда оналарга болалар учун нафақа (бундай нафақа тўлаш муддати икки йилга қадар узайтирилди), 16 ёшгача болали оилаларга, ота-онанинг ва умуман оиланинг даромадлари миқдоридан қатъий назар, бирйўла тўланадиган нафақа каби янги нафақалар жорий этилди.

Ўтган 1995 йилнинг тўққиз ойида маҳаллалар орқали 800 мингдан ортиқ оилага бир миллиард сўмдан кўпроқ моддий ёрдам берилди. Ҳар бир оиланинг моддий аҳволини маҳалла оқсоқолларигина яхши билишади. Унинг ҳудудида яшовчи фуқароларнинг ишга лаёқатли қисмини ишлата билиш, ҳақиқатда ишга лаёқатсизларга, ночорларга моддий ёрдам беришдек савобли ишни адолатли бажариш ҳам маҳалла оқсоқоллари зиммасига юкланган. Агар бу иш маҳалла аҳли номидан қанчалик адолатли ҳал қилинаётганини кузатувчи комиссиялар тузилса, янада мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Президентимизнинг сўнгги фармонларида аҳолининг 1992 йилга қадар омонат кассаларига қўйган пулларини 1996 йилдан бошлаб индексация қилиш йўли билан уларга қайтариб бериш учун маблағ ажратилганлиги, айниқса, ҳаммамизнинг ҳукуматга бўлган ишонч ва ҳурматимизни янада оширди. Омонатчига нисбатан адолат қарор топди ва биринчи навбатда нафақахўрларга қадрсизланган омонатлари ўрнини қоплаш орқали амалий ёрдам кўрсатиш имконияти туғилди. Булардан кўринадики, ислоҳотларнинг бош мақсади инсон ҳақида қайғуриш, унинг турмуш фаровонлигини оширишдан иборат. Халқимиз ҳам ўз навбатида иқтисодий ислоҳотларни тобора чуқурлаштириш ҳаёт талаби эканлигини, бозор муносабатларига ўтиш-иқтисодий тангликдан қутулишнинг бирдан-бир тўғри йўли эканлигини тушуниб етмоқдалар.

**Шаҳодат ХОЛМУРОДОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг тингловчиси.**

# ҚАРЗДАН ҚУТУЛИШДИ, ЭНДИ БУ ЁҒИ — ФОЙДА

( Фоторепортаж )

*Сирдарё вилоятидаги яна бир корхона изланишлар, ўрганишлар натижасида иқтисодий инқироздан чиқди. Узоқ йиллар мобайнида норентабелли корхона ҳисобланган Ульянов сопол буюмлар заводи эндиликда яхшигина ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришмоқда.*



*Ишдаги жиддий ўзгаришлар ўтган йилдан, яъни корхона раҳбарлигига янгича фикрлайдиган, ўз ишининг устаси, ишбилармон Абдуқаюм Жуманов келган вақтдан бошланди. Янги раҳбар ишни корхонадан кетган малакали мутахассисларни қайта ишга тиклашдан, одамлар кўнглида корхонада туб ўзгаришлар бўлишига умид уйғотишдан бошлади. Янги замонавий техникага эга бўлиш, эски ускуналарни обдон таъмирлаш янги турдаги маҳсулот — оқ ғишт ишлаб чиқариш имконини берди.*

*Ҳозир завод ҳар сменада 20 минг дона ғишт ишлаб чиқараётир. Корхона йилига 8 миллион дона ғишт, 2 миллион шлакоблок тайёрлаш қувватига эга. Бундан ташқари, 18 турдаги маҳсулот ҳам босқичма-босқич истеъмолчиларга етказиб берилади. Сирдарёликлар оқ ғишт тайёрлаш учун айрим хомашё турларини Ангрен ва Чимкентдан олишмоқда.*



*Бугунги кунда корхона жамоаси қарздан қутулиб, фойда ҳисобига меҳнат қилмоқда. Уларнинг маҳсулоти истеъмол бозорида ўз ўрнига эга бўлди. Сифатли қурилиш материалларига бўлган талаб шу даражадаки, буюртмаларни бажаришнинг ўзига ярим йилдан кўпроқ вақт кетади.*

*Шундай қилиб, корхона нафақат яшаб қолиш, малакали мутахассисларни асрай билишга, балки мамлакатимизни зарур маҳсулот билан таъминлашга ҳам эришди.*



**А. АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: маҳсулот жўнатишга тайёр;(чапдан-ўнгга) завод ишчилари Ш. Мансуров, Н. Ибодуллаев, бўлим бошлиғи Ў. Алиқулов ва директор А. Жуманов ғишт сифатини текширмоқдалар; муҳандис-лаборантлар М. Пакульневич ва Н. Сергеева технологик жараённи кўздан кечиришмоқда.**

Б. ТЎРАЕВ олган суратлар.

# ОЛАМДА НИМА ГАП?

## КОНСУЛХОНА ХОДИМИ ЎҒИРЛИКДА АЙБЛАНАЯПТИ

***Япониянинг Санкт-Петербургдаги консулхонаси ходими Тосиро Сато нодир санъат асарларини Россиядан олиб чиқиб кетишга уринганликда айбланмоқда.***

У шу йилнинг 11 февралида Финляндияга кетаётганида Виборг божхонаси томонидан тўхтатилган ва унинг шахсий машинасидан қадимий ашёлар ҳамда санъат асарлари топилган эди. Япония Ташқи ишлар вазирлиги ушбу воқеа билан боғлиқ барча ахборотларни атрофлича ўрганаётир. Тосиро Сато эса айни пайтда Санкт-Петербургда сақланмоқда.



Суратда: АҚШ. Нью-йорк кўчаларидан бири.

## ПРЕЗИДЕНТ БИРГАЛИКДА ИШ КЎРИШ ЛОЗИМЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

***АҚШнинг Грециядаги элчихонасига қарши кўпорувчилик ҳаракати содир этилгани хабар қилинган эди.***

Ушбу жиноятни мамлакатдаги «7 ноябрь» деб номланган кўпорувчилар гуруҳи аъзолари амалга оширгани тахмин қилинмоқда. Президент Билл Клинтон ушбу жиноий ҳаракат ташкилотчилари қонун олдида жавоб беришлари учун АҚШ ҳукумати ва Греция раҳбарияти биргаликда иш кўрмоғи лозим эканини айтди.

## ҲАРБИЙ БАЗАЛАРНИ ТУГАТМОҚЧИ ЭМАС

***Франция Африкадаги ҳарбий базаларини бундан кейин ҳам сақлаб туришни режалаштирмоқда.***

Бу ҳақда Франция Қуролли кучлари штаби бошлиғи Жан-Филипп-Дуэн Сенегалга ташрифи чоғида алоҳида таъкидлади. У ушбу ҳарбий базалар Африка минтақасида Франциянинг иқтисодий ва сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш учун хизмат қилажагини айтди. Ҳозирги вақтда Франция ҳарбий базалари Сенегал, Кот-дъивуар, Чад, Марказий Африка Республикаси ва Жибутида мавжуддир.

## РАД ЭТИЛДИ

***ХХР Ташқи ишлар вазирлиги Хитой Покистонга ядро қуроли технологияси етказиб бергани тўғрисида АҚШ матбуоти тарқатган хабарни рад этувчи баёнот берди.***

«Хитой масъулиятни ҳис қиладиган давлатдир. У ҳеч қачон бошқа давлатларга ядро қуроли ишлаб чиқариш технологиясини етказиб бермаган ва бундан кейин ҳам бу ишни қилмайди», дейилади баёнотда. Шунингдек, баёнотда Хитой ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги халқаро шартноманинг аъзоси экани ва унга зид равишда иш юритилмаслиги айтилади.

## ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

***Жазоирнинг «Сонатрак» давлат компанияси АҚШнинг «Арко» нефть компанияси билан Жазоирдаги йирик РХУРД ал-бугэл нефть конини ўзлаштириш бўйича умумий қиймати бир миллиард АҚШ долларига тенг шартномани имзолади.***

«Арко» нефть компаниясининг бу шартномани амалга ошириш учун киритажак дастлабки сармояси 225 миллион АҚШ доллари ҳажмида бўлиши кўзда тутилган. Шунингдек, АҚШ нефть компанияси Жазоирдаги бир қанча янги газ конларини ўзлаштириш учун 50 миллион доллар миқдорида маблағ ажратишни режалаштирмоқда.

## САРМОЯЛАР УЧУН ОЧИҚ ЮРТ

***Яқинда Миср Президенти Ҳусний Муборак Миср сармояларга ҳеч қандай чек ва тўсиқ қўймайдиган очиқ давлат эканини маълум қилди.***

Ҳусний Муборак Миср Миллий-демократик партиясининг иқтисодий ва молиявий ишлар қўмитасининг йиллик кенгаши қатнашчилари билан бўлган учрашувда иқтисодий тараққиёт мамлакат аҳолисининг турмуш тарзини юксалтиришда энг муҳим омил эканлигини уқтирди. Лекин бизда ислоҳотлар йўлида дуч келинаётган бир муҳим муаммо ҳам борки, у ҳам бўлса, мамлакат аҳолисининг тинмай ўсишидир, деди Президент.

Мамлакатда иқтисодий юксалиш даврини эълон қилишдан бош мақсад Миср XXI асрга ҳар қандай тўсиқ ва зиддиятларни енгишга қодир замин тайёрлаган ҳолда кириб боришини таъминлашдан иборат, деб шарҳлади Президент. У яна, Миср мол-дунёга бой давлат бўлмаса ҳам, меҳнатсевар халқ, бой маданиятга эга юртдир, деди.

Миср Президенти халқ оммаси сармоялар ва «очиқ эшиклар» сиёсати моҳиятини тўла англаб етгач ва бу борада керакли шарт-шароит ҳозирланганидан сўнг, Мисрни сармояларга ҳеч бир тўсиқ ёки чек қўймайдиган очиқ юрт деб эълон қилиш янги иш ўринлари очиш билан бирга, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга кенг имкон беради, деди.

Шунингдек, Президент ёшларга янги иш жойлари, шунингдек, сармоялар киритиш имкониятлари очадиган кичик корхоналар аҳамияти ҳақида ҳам тўхталди ва ҳукуматга турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган корхоналарга бериладиган имтиёзлар доирасини кенгайтириш, улар йўлидаги барча тўсиқ ва ғовларни, айниқса, вилоятлардаги маҳаллий ҳокимиятлардан рухсатномалар олишдаги турли қийинчиликларни бартараф этиш масаласини кўриб чиқишни топширди.

Айни чоғда Миллий-демократик партиянинг иқтисодий ва молиявий ишлар бўйича қўмитасининг йиллик кенгаши Миср аҳолисининг фаровонлигини таъминлаш йўлида келажакда қилинажак, яъни ўн йил ичида маҳаллий саноатда 6 фоиз юксалишга эришиш, аҳоли турмуш тарзини кескин яхшилаш, миллий бойликларни адолат юзасидан тақсимлаш ва аҳолининг турли табақалари орасидаги тафовутни камайтириш каби махсус ҳужжатни ҳам тасдиқлади.

**Ф. САНАЕВ тайёрлади.**

• Хушхабарлар

## КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ

Қорақалпоғистондаги республика кутубхонасида буюк соҳибқирон таваллуд тўйига бағишланган китоблар кўргазмаси очилди. Унда қўйилган ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ ва рус тилларидаги адабиётлар, турли альбом ҳамда тақвимлар улуғ бобокалонимиз ҳаёти ва фаолияти, саркардалик салоҳияти тўғрисида ҳикоя қилади.

## ОВУЛГА ГАЗ КЕЛДИ

Мамлакатимизнинг энг шимолий ҳудуди — Тахтакўпир тумани, «Жангадарё» жамоа хўжалиги овулларидаги яна 150 хонадонга газ туширилди. Ҳозир тумандаги аксарият аҳоли «зангори олов»дан баҳраманд бўлмоқда. Овулга Туямўйин — Тахтакўпир қувуридан ичимлик суви келтиришга тайёргарлик ишлари ҳам ниҳоясига етмоқда.

## ЗАРДЎЗЛИК МАРКАЗИ

***Халқ амалий санъати жонкуяри моҳир зардўз Бахшулло Жумаев Бухоро шаҳридаги эски масжидни обод қилиб, бу ерда зардўзлик маркази ташкил этди.***

***Янги йил арафасида ушбу марказ ўз ихлосмандларини бағрига олганди. Бу ерда хилма-хил нусхадаги зардўзлик буюмлари намойиш этилмоқда.***

***Дарвоқе, 1994 йилда Покистонда ўтказилган «Ислом ҳунармандлари иш устида» халқаро фестивалининг лауреати, оилавий зардўзлар сардори Бахшулло Жумаев ва Муқаддас Жумаевалар қўлида жило топган антиқа буюмлар бугунги кунда Англия, Франция, Испания, Олмония, Япония, Туркия сингари жаҳоннинг 20 дан зиёд мамлакатларида намойиш этилиб, томошабинларда завқ-шавқ уйғотмоқда.***

**Маннон ОТАБОЙ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




***Корхона, ташкилот, муассаса,***
**КАСАБА УЮШМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА БАРЧА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА**

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Санаторий-курортлар бирлашмасининг йўлланмалар тарқатиш бошқармаси сизни республикамизнинг ноёб табиий иқлим омилларига эга бўлган касаба уюшмалари санаторий-курорт муассасаларига даволаниш ва дам олишга таклиф қилади:*

**Тошкент шаҳридаги:**
*- кўп тармоқли **"Турон"** санаторийсига (қон томир, юрак, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлари).*

**Тошкент вилоятидаги:**
***"Ботаника"** санаторийсига (овқат ҳазм қилиш аъзолари ва асаб касалликлари).*

**Махсус йўлланма бўйича она (ота) ва 4 дан 7 ёшгача бўлган бола билан (ёз мавсумида 14 ёшгача) даволаниши мумкин:**
*- кўп тармоқли **"Бўстон"** санаторийсига (қон-томир, юрак, асаб ва урологик касалликлари);*
*- **"8 Март"** санаторийсига (гинекологик касалликлари ҳамда бепуштлик билан оғриган эр-хотин даволанади);*
*- **"Оқтош"** санаторийсига (нафас органларининг туберкулезга алоқадор бўлмаган касалликлари);*
*- **"Сўқоқ"** дам олиш масканига (оилавий, май-октябрь ойлари).*

**Андижон вилоятидаги:**
*кўп тармоқли **"Марҳамат"** санаторийсига (қон-томир, юрак, асаб ва сурункали тери касалликлари).*

**Бухоро шаҳридаги:**
***"Моҳи Хосса"** санаторийсига (буйрак касалликлари (ёз фаслида), асаб, овқат ҳазм қилиш, таянч ҳаракат органлари касалликлари).*

**Жиззах вилоятидаги:**
***"Зомин"** санаторийсига (нафас органлари ва асаб системаси касалликлари).*
***Махсус йўлланмалар бўйича она (ота) ва 3 дан 7 ёшгача бўлган бола билан (ёз мавсумида 14 ёшгача) даволаниши мумкин.***

**Қарши шаҳридаги:**
***"Қашқадарё соҳили"** санаторийсига (қон-томир, юрак, асаб, овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари).*

**Қашқадарё вилоятидаги:**
***"Мироқи"** санаторийсига (нафас олиш органлари ва асаб системаси касалликлари).*

**Наманган вилоятидаги:**
*- кўп тармоқли **"Чорток"** санаторийсига (таянч-ҳаракат, овқат ҳазм қилиш органлари, асаб системаси, тери ва гинекологик касалликлари);*
*- **"Косонсой"** санаторийсига (суяк-мушак, асаб, қон-томир ва юрак касалликлари);*
*- кўп тармоқли **"Ниҳол"** санаторийсига (овқат ҳазм қилиш органлари, суяк-мушак, асаб системаси, бўйрак касалликлари).*

**Самарқанд вилоятидаги:**
***"Абу Али ибн Сино"** санаторийсига (таянч-ҳаракат органлари, қон-томир, юрак ва асаб системаси касалликлари).*

**Сирдарё вилоятидаги:**
***"Ҳавотоғ"** санаторийсига (асаб системаси, таянч-ҳаракат ва овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари).*

**Фарғона вилоятидаги:**
*- кўп тармоқли **"Чимён"** санаторийсига (қон-томир, юрак, таянч-ҳаракат органлари, асаб сисемаси, гинекологик ва урологик касалликлари).*
***Махсус йўлланмалар бўйича она (ота) ва 4 дан 7 ёшгача бўлган бола билан (ёз мавсумида 14 ёшгача) даволаниш мумкин.***
***"Фарғона"** дам олиш масканига (оилавий, май-октябрь ойларида).*

**Сурхондарё вилоятидаги:**
***"Хандиза"** дам олиш масканига (оилавий, май-октябрь ойларида).*

Бизнинг йўлланмаларимиз Марказий Осиёда энг арзон йўлланмалардир.
*Шу билан бирга санаторий-курортлар бирлашмаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек, МДҲ давлатларининг курортларига йўлланмалар олишингизга ёрдам беради.*
**Йўлланмаларни нақд пулга, векселга ёки пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.**
**МАНЗИЛИМИЗ:** *Тошкент шаҳри, "Правда Востока" кўчаси, 24-уй.*
**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:** *56-85-68, 56-73-56, 57-78-15.*

